

## 44 нафар Қуръон ҳофизига ижозат тожлари кийдирилди



14:45 / 22.01.2019 2853

Истанбулнинг Фотиҳ ва Санжактепанинг Меъмор Синон Қуръон курсларини муваффақиятли якунлаган 44 нафар ҳофизи Каломуллоҳга ижозат тожлари кийдирилди. Бу ҳақда Yeni Akit нашри хабар берди.

Ҳофизларни тақдирлаш маросимида сўзга чиққан Истанбул муфтийси Ҳасан Комил Йилмаз Қуръони каримни ёдлаш, унинг маъноларини билиш ҳар қанча муҳим бўлмасин, Қуръони каримга мувофиқ ҳаёт кечириш мўмин киши учун энг олий васф эканини алоҳида таъкидлаб ўтди. Қуръони каримни ёдлаш ўта машаққатли, инсондан матонат ва сабр талаб этадиган вазифа бўлгани боис, ёш ҳофизлар умрлари давомида бу неъматнинг қадрига етишлари, имкон борича ҳофизликни тарк қилмасдан ҳаёт кечиришлари энг тўғри йўл бўлишини эътироф этди. Муфтий ҳофизлик

Аллоҳ таолонинг катта эҳсони эканини айта туриб, яна бир бор барча қориларни, уларнинг ота-оналари ва устозларини табриклади.

***Islom.uz* портали таҳририяти**